

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди  
№ \_\_\_\_\_  
2015 йил «\_\_» \_\_\_\_

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва Ўрта маҳсус таълим  
вазирининг 2015 йил «\_\_»  
даги «\_\_»-сонли  
бўйруғи билан тасдиқланган

**БИОЛОГИЯ АСОСЛАРИ**  
фанининг

**ЎҚУВ ДАСТУРИ**

<b>Билим соҳаси</b>	600.000	Хизматлар
<b>Таълим соҳаси</b>	670.000	Атрофда мухит муҳофазаси
<b>Таълим йўналиши</b>	5630100	Экология ва атроф мухит муҳофазаси

**ТОШКЕНТ 2015**

Фаннинг ўқув дастури Олий ва ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими ўқув- услубий бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2015 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги «\_\_\_\_\_» -сон мажлис баёни билан мақулланган.

Фаннинг ўқув дастури Самарқанд давлат университетида ишлаб чиқилди.

## Тузувчилар:

- Халимов Ф.З. биология фанлари номзоди, доцент  
Хайдаров Х.К. биология фанлари номзоди, доцент

## Такризчилар:

- |                  |   |
|------------------|---|
| Иzzатуллаев З.И. | СамДУ Экология ва табиатни муҳофаза қилиш кафедраси профессори, биология фанлари доктори      |
| Салимов Б.С.     | СамҚХИ паразитология ва ҳайвонлар касалликлари кафедраси профессори, биология фанлари доктори |

Фаннинг ўкув дастури Тошкент давлат техника университети Илмий-услубий кенгашида тавсия қилинган (2012 й. \_\_ даги «\_\_»-сонли баённома).

## **1. Кириш**

Ушбу дастур Биология асослари фани предмети, тарихи, мақсади ва вазифалари; Фаннинг тадқиқот услублари, обьекти бир хужайрали ва кўп хужайрали организмлар; Биология фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги; тирик организмларнинг табиатдаги хилма-хиллигини саклашдаги аҳамияти; Фаннинг ҳалқ хўжалиги, қишлоқ хўжалиги муаммоларини ечишдаги тутган ўрни; Фаннинг назорат турлари ва баҳолаш мезонлари; Эколог мутахассис тайёрлашдаги ўрни каби масалаларни қамрайди.

### **1.1. Биология асослари фанининг мақсади ва вазифалари**

Биология асослари фанининг ўқитишдан мақсад талабаларга ҳайвонлар ва ўсимликларнинг морфологияси, биологияси, экологияси, этологияси, филогенези, систематикаси ва зоогеографияси, усимлик ва ҳайвон хужайрасининг тузилиши, хужайрадаги асосий ҳаётй жараёнлар, организмларнинг шахсий ривожланиш қонуниятлари, ирсият қонунлари, белгиларнинг наслдан-наслга ўтиши, тирик организмларнинг эволюцион тараққиёти бўйича билим бериш. Биология асослари фани ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини ўрганишда назарий ва амалий масалаларни ҳал этиб экологиянииг айрим йўналишларини ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қиласи. Биология асослари фани ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини хилма-хиллиги ва уни бир бутунлик сифатида ўрганиш ҳамда сайёрамиз миқёсидаги ҳаётй тизим тузилишига тегишли муҳим умумбиологик муаммоларни ҳал қилишда марказий ўринларда туради. Ҳалқ хўжалиги ва амалиётда Биология асослари фанини услугуб ва ютуқларидан фойдаланиш ёритиб берилади. Талабалар ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини қонуниятларини ўрганиш асосида тирик организмларнинг кўпайиш усуллари, ўсиш, ривожланишни турли туманлиги, уларни морфологик, анатомик, физиологик ва экологик аспектларини ёритишида ушбу фанни аҳамияти нақадар катта эканлигига ишонч хосил қиласидар.

### **1.2. Фан бўйича талабаларнинг билимига, кўникума ва малакасига қўйиладиган талаблар.**

«Биология асослари» ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

- биология асослари фанининг асосларини мукаммал билишлари, ҳайвонот ва ўсимликлар оламининг хилма – хиллиги ва уларнинг хусусиятларини билиш, умуртқали ва умуртқасиз ҳайвонларнинг, тубан ва юксак ўсимликларнинг тузилиши, ҳаёт кечириши, тарқалиши ва кўпайиши, ривожланиши ҳамда яшаш муҳити билан муносабатларини шунинг билан бирга ҳайвонлар, ўсимликлар ва одамнинг ўзаро муносабатларини билиш, кўп хужайрали ҳайвонларни келиб чиқиши назариясини **билиши керак**;

- талаба ҳайвонлар ва ўсимликларнинг хусусий ва тарихий тараққиёт қонуниятларини билиши, турли систематик гурухларга хос ҳайвон ва ўсимликларнинг ривожланиш босқичларининг турли – туманлиги ва уларни ўрганишда қўлланиладиган биологик ва зоологик мутахассисликка оид замонавий тадқиқот услубларини билиш ва улардан фойдалана олиш, аниқлагич усулларидан фойдаланиш ва улар билан ишлаш **кўникумларига эга бўлиши керак**.

- талаба билимини чукурлаштириш учун илмий адабиётлардан фойдалана олиши; дала шароитида ҳайвонларни кузатиш, лаборатория шароитида тажрибалар ўтказиш; материалларни йиғиш, қайта ишлов бериш ва уларни узоқ муддатга саклаш ҳамда улардан фойдалана олиш **малакаларига эга бўлиши керак**.

### **1.3. Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги.**

Биология асослари фани биологик фанлардан биокимё, физиология, биофизика, экология, табиий фанларда математика, физика ва кимё фанлари билан чамбарчас боғлиқ.

Табиий фанлардан математика, география, физика ва кимёдаги бир қатор қонуниятларга таянади.

#### **1.4. Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни**

Ўсимлик ва хайвонларнинг тузилиши, ҳаёт кечириши, тарқалиши ва қўпайиши, ривожланиши ҳамда яшаш мұхити билан муносабатларини, шунинг билан бирга организмларнинг ўзаро муносабатларини билиш асосида хайвонот ва ўсимлик олами хилма-хиллигини сақлаш ва кейинги авлодга қолдириш, фойдалы турларини мухофаза қилиш ва улардан фойдаланиш, заарли турларини сонини чеклаш мұхим аҳамиятга эга.

#### **1.5. Фанни ўқитишида замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Талабаларнинг Биология асослари фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишининг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни тадбиқ қилиш мұхим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришида дарслік, ўқув ва услубий кўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, виртуал стендлар, препарат ва жадваллардан фойдаланилади. Фаннинг ўқитиши турлари дастурда кўрсатилган мавзулар маъруза, амалий машғулотлар шаклида олиб борилади. Шунингдек атрофлича билим олишни таъминлаш мақсадида талабаларга мустақил иш мавзулари хам борилади. Фанни замонавий педагогик услублар – «Кластер», «Бумеранг», «Дебатлар» тарзида ўтиш хам кўзда тутилгандир. Маълумотлар кўргазмали ўқув қуроллари, кодоскоп, мультимедиа, микроскоп, тотал ва кесмали препаратлар ёрдамида олиб борилади.

### **2. АСОСИЙ ҚИСМ.**

#### **2.1. Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни**

##### **1-бўлим. Зоология**

###### **Асосий қисм (маъруза)**

**Кириш.** Зоология фанининг обьектлари ва предмети. Фаннинг мақсад ва вазифалари. Зоологияси фанининг бошқа фанлар тизимида тутган ўрни. Фаннинг ривожланишидаги асосий босқичлар ва унинг шаклланишига катта ҳисса қўшган олимлар. Ўзбекистонда зоологик тадқиқотларнинг ривожланиши. Ҳайвонларнинг ҳозирги замон зоологик систематикаси, асосий систематик бирликлар.

**Бир ҳужайралилар кенжә олами.** Ҳужайра – бир бутун организм сифатида. Бир ҳужайралилар тузилишида кўп ҳужайралиларга хос хусусиятларининг намоён бўлиши. Содда ҳайвонлар ҳужайрасининг кўп вазифалилиги ва органеллалари. Содда ҳайвонларнинг озиқланиш, харакатланиш, айриш, қўпайиш ва жинсий жараёнлари. Уларнинг ривожланишида жинсий ва жинссиз насллар галланиши. Тинч ҳолати ва тарқалиш даврлари (цисталар ва споралар). Содда ҳайвонлар экологияси ва тарқалиш мұхити.

**Саркомастигофоралар типи.** Хивчиниллар кенжә типи. Хивчиниллар тузилишида ҳайвон ва ўсимликларга хос умумийлик. Ўсимликсимон хивчиниллар синфи, уларнинг хусусиятлари. Ҳайвонсимон хивчиниллар синфи ва асосий туркумлари. Патоген хивчиниллар, тузилиши, ривожланиши, классификацияси ва мұхим вакиллари. Паразитар касалликларнинг табиий манбаси ҳақида тасаввур. Сувни санитария холатини баҳолашнинг биологик усуллари. Сув ҳавзаларини биоиндикациялашда хивчинилларнинг аҳамияти. Колония бўлиб яшовчи хивчиниллар. Кўп ҳужайрали ҳайвонларнинг келиб чиқишида уларнинг аҳамияти. Саркодалилар кенжә типи. Амёбасимон ҳужайра тузилиши ва унинг хиллари. Ёлғонеёқлилар-тузилиши, вазифаси, хилма-хиллиги. Саркодалилар скелетлари. Жинсий қўпайиш. Систематикаси. Биосферада қуйқасимон чўйма хосил бўлиш жараёнининг аҳамияти. Уларнинг бактериялар ва замбуруғлар билан муносабати.

Касаллик қўзғатувчи амёбалар. Опалиналар кенжा типи. Опалиналарни инфузориялардан фарқи. Ривожланиши.

**Споралилар типи.** Паразитизмни уларнинг хужайравий тузилишига таъсири. Тузилиши ва ривожланиш цикллари. Классификацияси ва асосий вакиллари. Безгак қўзғатувчилари, уларнинг ташувчилари ва уларга қарши кураш чоралари. Асаларичилик ва ипакчилиқдаги амалий аҳамияти. Асцетоспоридийлар ва Лабиринтулалар. Спораларининг тузилишидаги ўзига хослиги. Кўп хужайралиларга ўтишдаги оралиқ ҳолатлик.

**Инфузориялар ёки Киприклилар типи.** Уларнинг хужайрасини мураккаб тузилиши. Киприкларни хивчинлар билан таққослаш. Инфузориялар ядро аппаратларининг хусусияти. Конъюгация. Классификацияси ва муҳим вакиллари. Киприкли инфузориялар синфи. Умумий тавсиф, тузилиши, физиологияси. Эркин яшовчи инфузориялар. Паразит инфузориялар. Сўрувчи инфузориялар синфи. Умумий тавсифи. Киприкларнинг йўқотиш қобилияти. Уларнинг аҳамияти. Бир хужайрали ҳайвонларнинг филогенияси.

**Кўп хужайралилар кенжা олами.** Уларнинг келиб чиқиши хақидаги назариялар: Э. Геккел (1874), И.И.Мечников (1886), А.А.Захваткин (949), И.Ходжи (1943) ва бошқа олимлар назариялари. Кўп хужайралиларнинг тана тузилиш, симметрия турлари. Бирламчи тўқималар ва уларнинг морбофункционал тавсифи. Эмбрион қаватлар ва кўп хужайралилар эмбрионал ривожланишдаги асосий босқичлар. Кўп хужайралилар классификацияси.

#### **Фагоцителласимонлар катта бўлими.**

Пластинкалилар типи. Трихоплакснинг очилиш тарихи. Трихоплакс – хозирги замон кўп хужайрали ҳайвонлар орасида энг сода тузилган вакил. Филогенияси. Паразоа катта бўлими. Булутлар (овактаниллар) типи. Умумий тавсифи, хужайра элементлари, скелети (тузилиши ва кимёвий таркиби). Озиқни тутиш ва ҳазм қилиши. Геммула. Классификацияси ва вакиллари. Булутларни сув ҳавзаларидаги экологик (биофильтраторлик хусусияти) аҳамияти.

#### **Эуметазоа катта бўлими. Радиал симметриялилар бўлими.**

Бўшлиқчиллар типи. Икки қаватлилик ва нурли симметрия. Нерв системаси ва унинг хусусияти. Отилувчи хужайралар. Полип ва медуза турларнинг икки ҳаёт шакллари. Ривожланиш жараёнининг турлари. Метагенез. Жинссиз кўпайиш ва колония ҳосил бўлиш. Гидрасимонлар синфи. Сифонофоралар ва уларнинг аҳамияти. Гидрасимонлар – ифлосланган сув биоиндикаторлари. Сцифоид медузалар синфи. Заҳарли медузалар. Коралл полиплар синфи. Коралл рифлари. Маржон (Коралл) полипларнинг қурилиш ва кулолчилиқдаги аҳамияти.

#### **Биллатериал симметрияли ҳайвонлар бўлими.**

Яssi чувалчанглар типи. Уларнинг тана шакли. Тери-мускул халтаси. Паренхима. Экологияси ва тарқалиши. Киприкли чувалчанглар синфи. Тана қоплами, кўпайиши, ривожланиши, регенерация. Киприкли чувалчанглар – сув ҳавзалари биоиндикаторлари. Сўрғичиллар синфи. Паразитлик қилиб яшашга мосланиш. Ёпишувчи органлари. Гетерогония. Педогенез. Хўжайн алмашинувининг биологик аҳамияти. Одам ва уй ҳайвонларининг асосий паразитлари ва уларга қарши кураш чоралари. Моногениялар синфи. Амалий аҳамияти. Тасмасимон чувалчанглар синфи. Патоген аҳамияти. Одам ва уй ҳайвонларининг асосий паразитлари. Яssi чувалчангларнинг филогенияси, паразитизмнинг келиб чиқиши.

#### **Тўгарак ёки бирламчи тана бўшлиқли чувалчанглар типи.**

Икки томонлама очик найи ва бирламчи тана бўшлиғи сифатида-ички суюқлик мухитининг келиб чиқиши. Айирув, нерв ва жинсий системалари. Қоринкиприклилар синфи. Тузилиши, физиологияси ва ҳаёт тарзи. Нематодалар синфи. Тери-мускул халтаси. Кутикула ва унинг роли. Ички тузилиши, кўпайиши ва ривожланиши. Паразит нематодалар ва уларнинг одам, қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва ўсимликлар учун

аҳамияти. Паразитларнинг ривожланиш жараёнлари, нематодаларнинг замбуруғлар, бактериялар ва сув ўтлари билан боғлиқлиги. Киноринхлар синфи. Қилчвалчанглар синфи. Оғизайлангичлилар синфи. Тузилишлари ва биологияси. Приапулидлар синфи. Асосий хусусиятлари ва биологияси. Кўпайиши, ривожланиши ва личинкалари. Тўгарак чувалчангларнинг филогенияси.

### **Халқаличувалчанглар типи.**

Тана тузилиши ва органларини метамерияси. Параподийлар. Иккиламчи тана бўшлиқ вазифаси ва келиб чиқиши. Кўп туклилар синфи. Умумий тавсиф. Кўпайиши, эмбрионал ривожланиши. Трохофора ва метатрохофора. Экологияси. Денгиз фаунасидаги аҳамияти. Камтуклилар синфи. Тузилиши, сув ва тупроқда яшовчи формалари. Камтукларнинг биогеоценозларда тарқалиши, замбуруғлар билан ўзаро алоқаси. Биогумус ва экологик тоза махсулотлар олишдаги аҳамияти. Ёмғир чувалчангининг тупроқдаги роли. Зулуклар синфи. Кўпайиши ва ривожланиши. Зулуклар туркуми вакилларининг тиббиётдаги аҳамияти. Туркумлари. Эхиуридлар синфи. Биология ва экологияси. Халқаличувалчанглар филогенияси.

### **Моллюскалар ёки юмшоқтанлилар типи.**

Умумий тавсифи. Чиганоқнинг тузилиши ва аҳамияти. Мантия. Ёнбошнервлилар кенжатипи. Умумий тавсифи. Чиганоқлилар кенжатипи. Моноплакофоралар синфи. Моллюскалар филогениясини ўрганишдаги аҳамияти. Қориноёқлилар синфи. Тузилиши, асимметрия ва уни келиб чиқиши. Органлар системаси. Экологияси. Аҳамияти. Кенжасинфлари ва муҳим вакиллари. Пластинкажабралилар ёки иккипаллалилар синфи. Чиганоғи ва унинг очилиш механизми ва қулфлар. Биофилтрация. Иккипаллалиларнинг халқ хўжалигига аҳамияти. Бошоёқли моллюскалар синфи. Умумий тавсиф. Чиганоқнинг редукцияга учраши ва ички скелетнинг ривожланиши. Биологияси. Бошоёқли моллюскаларнинг озиқ овқат саноатида аҳамияти. Моллюскаларнинг филогенияси.

### **Бўғимоёқлилар типи.**

Танасини бўлимлардан ва бўғимлардан тузилиши. Оёқларининг тузилиши. Экзоскелет ва унинг аҳамияти. Органлар системаси. Кўпайиши ва ривожланиши. Табиатда тарқалиши. Биосфера ва инсон ҳаётидаги аҳамияти. Жабра билан нафас оловчилар кенжатипи. Қисқичбақасимонлар синфи. Ташқи ва ички тузилиши. Оғиз аппарати. Кўпайиши ва ривожланиши. Классификацияси ва муҳим вакиллари. Сув ости иншоотларини бузувчи заарли қисқичбақалар.

### **Трахеялилар кенжатипи.**

Трахея ва унинг тузилиши. Трахеялик нафас олиш системаси. Кўпоёқлилар синфи. Тананинг бўлимларга бўлиниши. Ҳазм қилиш, айриш ва нафас олиш системалари. Кўпайиши ва ривожланиши. Экологияси. Кўпоёқлиларнинг асосий гурухлари. Кўпоёқлиларнинг биогеоценоздаги аҳамияти.

### **Ҳашаротлар синфи.**

Тана бўлимлари ва ўсимталари. Қанотлар ва уларнинг келиб чиқиши. Ички тузилиши. Ҳашаротлар танасидаги сув миқдорининг бошқарилиши. Малпиги найчалари. Қуруқликда яшашга мослашуви. Ҳашаротларнинг кўпайиши ва ривожланиши. Метаморфоз турлари. Жамоа бўлиб яшовчи ҳашаротлар ва улардаги полиморфизм. Экологияси ва этологияси. Кенжасинфлари ва туркумлари. Ҳашаротларнинг табиатда ва инсон ҳаётидаги аҳамияти. Табиатдаги санитар ҳашаротлар. Касаллик тарқатувчи ва паразит ҳашаротлар. Қишлоқ хўжалик ва ўрмончилик заракунандалари. Заракунандаларга қарши биологик кураш усуллари. Хонакилаштирилган ҳашаротлар ва уларнинг аҳамияти. Ҳашаротлар палеонтологияси ва филогенияси.

### **Хелицералилар кенжатипи.**

Қиличдумлилар синфи. Тузилиши. Ўргимчаксимонлар синфи. Тузилиши. Тана аъзолари. Кўпайиши ва ривожланиши. Асосий туркумлари. Ўргимчак. Захар ишлаб чиқарувчи ва тўр тўкувчи безлари. Уларнинг аҳамияти. Сув ва қуруқликда яшовчи ўргимчаклар экологияси. Агроценозларда тарқалиши ва қишлоқ хўжалик экинлари

зааркунандаларининг сонини камайтиришдаги аҳамияти. Каналар. Турлари. Паразит турлари инфекцион касалликларни қўзғатувчиси ва аҳамияти.

### **Нинатерилалар типи.**

Умумий тавсифи. Уларнинг тана симметрияси. Амбулакрал система. Нерв, айриш ва қон айланиш системалари. Жинсий системаси ва ривожланиши. Классификацияси. Пельматозойлар кенжা типи. Денгиз нилуфарлари синфи. Элеутерозойлар кенжা типи. Денгиз юлдузлари, офиуралар. Денгиз кирпилари, гологтуриялар синфлари, уларнинг тузилиши.

**Хордалилар типи.** Умуртқалилар зоологиясининг объектлари ва предмети. Фаннинг ривожланиш тарихи ва услублари. Фаннинг мақсад ва вазифалари. Типнинг умумий таърифи. Хордалиларни ҳайвонот олами системасида тутган ўрни. Хордалиларни ўзига хос мухим белгилари ва уларнинг биологик аҳамияти. Хордалиларни келиб чиқиши.

**Пардалилар ёки личинка хордалилар кенжা типи.** Кенжা тип вакилларини тузилишининг асосий белгилари.

**Асцидиялар синфи.** Биологик хусусиятлари: якка ва колония бўлиб яшовчи, ўтрок ва сузуви турлари. Асцидияни тузилиши кўпайиши ва ривожланиши: жинсий ва жинссиз кўпайиш, личинканинг тузилиши ва ривожланиш даврлари.

**Сальплар синфи.** Биологияси: якка ва колония тури. Сальп ва бочёночкаларнинг тузилиши ва ривожланиши. Метогенез ва унинг биологик аҳамияти.

**Апендикуляриялар синфи.** Апендикулярияларнинг биологияси ва тузилиши, кўпайиши ва ривожланиши. Пардалиларнинг келиб чиқиши ва эволюцияси хақидаги ғоялар Неогенея ғояси (Гарстрэнг) А.Н.Северцов ва Н.А.Ливанов қарашлари. Хордалилар эволюциясини тушунишда А.О.Кавалевский изланишларининг аҳамияти.

**Бош склетлизлар кенжা типи.** Тузилишининг асосий белгилари ва систематикаси. Келиб чиқиши. Ланцетникнинг тузилиши ва биологияси. Бошхордалилар ҳаёт тарзи ва амалий аҳамияти.

**Умуртқалилар (Бош склетлизлар) кенжা типи.** Тузилишининг асосий белгилари ва умуртқалиларнинг келиб чиқиши. Тузилишининг энг асосий белгилари: ўқ скелети, бош скелети, кўл-оёқ скелетлари, овқат ҳазм қилиш системаси, нафас олиш системаси ва сезги аъзолари. Тузилишининг мураккаблашиши, аъзоларининг тараққиёти – умуртқалилар прогрессив эволюциясининг асосий шарти эканлиги.

**Жағсизлар бўлими. Тўғарак оғизлизлар синфи.** Синф вакилларининг тузилиши ва умумий белгилари. Тўғарак оғизлизларнинг келиб чиқиши ва эволюцияси. Миноганинг тузилиши ва ҳаёт кечириши: скелети, нафас олиш системаси, овқат ҳазм қилиш системаси, овқатланиши, қон айланиш системаси. Минога ва миксиналар тузилишидаги фарқлар. Тўғарак оғизлизларнинг амалий аҳамияти.

**Жағофизлизлар бўлими. Балиқлар катта синфи.** Балиқлар умуртқалиларнинг бирламчи сувда ҳаёт кечиравчи вакили сифатида, балиқлар катта синфининг биологик ва морфолокиг таърифи. Харакат-таянч системаси, тузилишининг асосий белгилари. Балиқлар-сув ҳайвони сифатида: нафас олиш, қон айланиш ва айриш системалари тузилиши.

**Тоғайли балиқлар синфи.** Тузилишининг асосий белгилари, тоғайли балиқларнинг келиб чиқиши, эволюцияси ва систематикаси. Аъзолар системаси бўйича тузилшига таъриф. Кўпайиши ва ривожланиш хусусиятлари. Туз ва сув алмашинуви. Тоғайли балиқларнинг амалий аҳамияти.

**Суякли балиқлар синфи.** Синфининг морфологик ва анатомик белгилари, хусусиятлари. Ҳозирги замон суякли балиқларнинг келиб чиқиши ва систематикаси. Карп балиғи мисолида суякли балиқларнинг ташқи тузилиши ва аъзолар систематикаси.

**Шулъақанотлизлар кичик синфининг таърифи:** катта туркумлари, тоғайли ганоидлар, суякли ганоидлар, кўп қанотлизлар, суякли балиқлар тўдаси. Уларнинг тузилиши хусусиятлари. Физиологияси ва ҳаёт кечириши.

**Қафтқанотлилар кичик синфининг таърифи:** катта туркумлари, чўтқағанотлилар ва икки хил нафас олувчилар, уларнинг тузилиши, хусусиятлари, физиологияси, ҳаёт кечириши ва умуртқали ҳайвонлар системаси ва эволюциясида тутган ўрни. Балиқлар экологияси. Биологик тўдалар ва уларга хос бўлган мосланиш хусусиятлари: кўпайиши, миграцияси, овланишидаги аҳамияти, балиқчилик йўналиши. Ўзбекистон ихтиофаунасининг ўзига хос вакиллари: аборигенлари, интродукция (бошқа жойдан олиб келинган), қилингандар. Ўрта Осиёда овланадиган, ноёб ва йўқолиш хавфи остида турган балиқларнинг вакиллари.

**Тўртоёқлилар катта синфи.** Куруқликда яшовчи умуртқалиларнинг келиб чиқиши. Умуртқалилар қуруқлика чиқишидаги экологик ва морфологик мосланишлари. Сув ва қуруқликда яшовчиларнинг ilk вакиллари сифатида палеозой даврида яшаган амфибия – стегоцефаллар.

**Амфибиялар (Сув ва қуруқликда яшовчилар) синфи.** Синфининг умумий биологик ва морфологик тавсифи. Синфининг систематикаси: оёқсизлар туркуми, думли ва думсиз амфибиялар. Кўл бақаси мисолида амфибия тузилиши ва биологик хусусиятлари.

Амфибиялар биологияси: асосий экологик гурухлари, овқатланиш, кўпайиши, ривожланиши, насл учун қайғуриш усуллари. Ўрта Осиёда яшовчи амфибияларнинг Амалий аҳамияти ва улардан фойдаланиш муаммолари, сунъий кўпайтириш, муҳофаза қилиш.

**Рептилиялар (Судралиб юрувчилар) синфи.** Анамния ва амниотларнинг морфологик ва физиологик белгилари: ривожланиши, тухмининг тузилиши, муртак қобиғининг пайдо бўлиши. Тери ва унинг таркибий қисмлари. Айирув системасининг хусусиятлари ва бу хусусиятларнинг қуруқликда ҳаёт кечиришга ўтиш билан боғлиқлиги.

Рептилияларнинг келиб чиқиши ва эволюцияси. Қазилма шакиллари ва уларнинг морфологик ҳамда экологик турли-туманлиги. Ҳозирги замон рептилияларининг систематикаси; туркумлари: тумшуқбошлилар, тимсоҳлар, тошбақалар, тангачалилар ва уларнинг қисқача тарифи.

Тангачалилар вакиллари – тез калтакесак мисолида рептилиялар тузилиши ва физиологияси. Ҳаёт кечириши, кўпайиши, овқатланиши, мавсумий хоссалари хулқ атворининг иссиқ иқлим шароитига мосланиш хусусиятлари. Рептилиянинг Амалий аҳамияти.

Ўрта Осиё герпитофаунасининг ўзига хос вакиллари. Заҳарли илонлар турлари, уларнинг кўпайиши ва муҳофаза қилиш. Сахро биоценозида судралиб юрувчиларнинг аҳамияти. Қизил Китоб саҳифасидан жой олган судралиб юрувчилар вакиллари.

**Қушлар синфи.** Синф вакиллари тузилишининг асосий хоссалари. Қушларнинг келиб чиқиши ва уларнинг эволюцион йўли. Ҳозирги замон қушларининг систематикаси ва туркумларининг қисқача таърифи. Уй капитари мисолида қушларининг ички ва ташқи тузилиши. Қушларининг мосланиш хусусиятлари физиологияси, териси, пат тузилиши, нафас олиш системаси, айирув системаси. Нерв системаси ва сезги аъзолари.

Қушларнинг экологияси: географик тарқалиши, экологик гурухлари, учишга мосланиши, кўпайиши, ривожланиши, насл учун қайғуриши, мавсумий хоссалари. Миграция ва унинг сабаблари. Қушларнинг табиат ва хўжаликдаги аҳамияти.

Ўрта Осиё орнитофаунасининг турли-туманлиги ва асосий вакиллари. Қушларнинг овланадиган, асосий, ноёб, кўриқланадиган турлари. Ўзбекистон Қизил Китобига киритилган қушлар ва уларнинг яшаш шароитлари. Ўзбекистонда орнитологик кузатишлар олиб боришдаги асосий муаммолар.

**Сутэмизувчилар ёки даррандалар синфи.** Синфининг умумий таърифи. Сутэмизувчиларнинг келиб чиқиши ва эволюциясига сабаб бўлган омиллар. Қирилиб битган турлари ва уларнинг қадимдги рептилиялар билан алоқадорлиги, эволюцияси.

Ҳозирги замон сутэмизувчиларининг систематикаси: бир тешиклилар, халталилар, йўлдошлилар ва уларнинг асосий биологик хусусиятлари. Йўлдошли сутэмизувчилар систематикаси ва уларнинг туркумларига қисқача таъриф.

Асосий аъзолари системасининг морфологик ва функционал таърифномаси; тери қоплағичлари, скелети. Нафас олиш, овқат ҳазм қилиш, қон айланиш системаси ва лимфатик система. Сидик-таносил системаси. Нерв системаси ва сезги аъзолари. Марказий нерв системаси ва бош миясининг тузилишидаги ўзига хос хусусиятлари. Хулқ авторининг мураккаб шакллари.

Сутэмизувчилар биологияси, географик тарқалиши. Экологик гурухлари. Сув мұхитини иккиламчи ўзлаштириш, мавсумий ритм. Уларнинг овқатланиши ва экосистемадаги ўрни, овланадиган турлари, улардан махсулот тайёрлаш, мухофаза қилиш, қишлоқ ҳұжалиги заарқунандалари, касал тарқатувчи ва хонакилаштирилган турлари.

Үрта Осиё сутэмизувчиларининг турли-туманлиги. Овланадиган, йўқолиб бораётган ва қўриқланадиган турлари. Ўзбекистон Қизил Китобига киритилган сутэмизувчилар турлари ва уларнинг тарқалиши. Ўзбекистонда териология муаммолари ва сутэмизувчиларни ўрганишга бағишлиланган асосий йўналишлар.

## **2.2. Амалий машғулотлар мазмуни, ташкил этиш бўйича кўрсаткич ва тавсиялар.**

Амалий машғулотлар талабалар томонидан назарий билимларни мустахкамлаш учун ҳар бир мавзу бўйича алоҳида ўзлаштирилади. Амалий машғулотлар мавзуларининг мазмунидан келиб чиқиб тотал, кесма, вақтли препаратлар, таблица, плакат, схема, муляж, музей экспонатлари, қотирилган хайвонлар, суратлар, видеофильмлар ва бошқа ўкув кўргазмали қуроллар ердамида ўзлаштирилиб, тасвирлари расм дафтарларига туширилади.

1. Бир ҳужайралилар кенжা олами (Protozoa). Саркомастигфоралар типи (Sarcostigophora). Саркодалилар кенжা типи (Sarcodina). Амёба, арцелла ва диффлюгия. Амёбалар туркуми. Тузилиши. Чиганоқли амёбалар – арцелла, диффлюгия.
2. Хивчинлилар кенжা типи (Mastigophora) яшил эвглене ва церациумнинг тузилиши. Бир хивчинлилар - яшил эвглена чучук сув вакили. Вольвокс. Тузилиши ва қўпайиши. Чучук сув ҳавзаларида колония хосил қилувчи кўп хивчинлилар.
3. Ҳайвонсимон хивчинлилар синфи ва асосий туркумлари. Патоген хивчинлилар, тузилиши, ривожланиши, классификацияси ва мұхим вакиллари. Паразитар касалликларнинг табиий манбаси ҳақида тасаввур.
4. Спора хосил қилувчилар типи. Грегариналар синфи. Грегариналар бўғимоёқлилар паразити. Суварак грегаринасининг тузилиши ва ривожланиши.
5. Қон споралилар. Безгак плазмодиуми. Тузилиши, ривожланиши, классификацияси ва мұхим вакиллари
6. Инфузориялар ёки киприклилар типи (Ciliophora). Киприкли инфузориялар синфи. Парамеция (туфелка) инфузориясининг тузилиши ва қўпайиши.
7. Булутлар - ғовактанлилар (Spongia - Porifera) типи. Оддий булутлар синфи (Demospongia). Бодяга булутининг тузилиши уларнинг колония хосил қилиши.
8. Гидрозойлар (Hydrozoa) синфи. Чучук сув гидрасининг тузилиши.
9. Сцифомедузалар синфи. Аурелияning тузилиши. Аурелия космополит тур, шимолий денгиздан тропик денгизларгача тарқалган.
10. Яssi чувалчанглар типи (Plathelminthes). Киприкли чувалчанглар синфи. Оқ планариянинг тузилиши. Оқ планария чучук сув вакили.
11. Сўрғичлилар ёки трематодалар синфи. Жигар қуртининг тузилиши. Жигар курти майда ва йирик шохли корамоллар паразити. Жигар қуртининг ривожланиши.
12. Тасмасимон чувалчанглар синфи. Қорамол солитёрининг тузилиши. Қорамол солитёрининг одамга юқиши. Тасмасимон чувалчангларни айрим вакилларини ривожланиши. Ҳаёт цикли.
13. Тўгарак чувалчанглар типи. Нематодалар синфи. Одам аскаридасининг ташқи ва ички тузилиши. Аскарида – одам ва ҳайвонлар ичак паразити.

14. Халқали чувалчанглар типи (Annelida). Кўпқилли халқали чувалчанглар (Polychaeta) синфи. Нереис ва қум чувалчангларининг тузилиши. Нереис – балиқлар озиғи.
15. Кам қилли чувалчанглар (Oligochaeta) синфи. Ёмғир чувалчангининг ташқи ва ички тузилиши. Фойдаси.
16. Зулуклар (Hirudinea) синфи. Тиббиёт зулугининг тузилиши. Тиббиётда даволаш мақсадида фойдаланиш.
17. Моллюскалар ёки юмшоқтаниллар типи (Mollusca). Қориноёқли моллюскалар синфи. Ток шилифининг тузилиши. Бог ва сабзавот экинлари зааркунандаси.
18. Пластинкаjabrallilar ёки икки паллали моллюскалар синфи. Бақачаноқнинг тузилиши. Биофилтраторлик хусусияти.
19. Бўғимоёқлилар типи (Arthropoda). Жабра билан нафас олувчилар кенжা типи. Қисқичбақасимонлар синфи. Дафния ва циклопнинг тузилиши. Циклоп – чучук сув планктони.
20. Ўноёқлилар туркуми (Decapoda). Дарё қисқичбақасининг ташқи ва ички тузилиши. Халқ хўжалигидаги аҳамияти.
21. Трахеялилар кенжা типи (Tracheata). Кўпоёқлилар синфи. Костянканинг тузилиши.
22. Ҳашаротлар синфи. Суваракнинг ташқи тузилиши. Суваракнинг ички тузилиши. Ҳашаротларнинг постэмбрионал ривожланиши. Тўлиқ бўлмаган метаморфоз – гемиметабола. Тўлиқ метаморфоз – голометабола.
23. Ўргимчаксимонлар синфи. Чаённинг ташқи тузилиши. Солпуглар, ўргимчаклар, каналарнинг тузилиши.
24. Нинатерилилар типи (Echinodermata). Денгиз юлдузлари синфи. Денгиз юлдузининг тузилиши. Озиқланиш усули.

#### **Тубан хордалалилар.**

25. **Бошсуюксизлар кичик типи.** Ланцетникни ташқи ва ички тузилиши. Тери қоплагичлари, ўқ скелети, қон айланиши. Овқатланиш, генератив органларини тузилиши ва функцияси. Мушаклари, нерв системаси ва сезги органлари тузилиши ва функцияси. Хўл ва тотал препаратлар, микро кесмалар, тузилиш схемалари.

#### **Юқори хордалалилар. Умуртқалилар кенжা типии.**

26. **Тугарак оғизлилар синфи.** Дарё миногасининг тузилиши. Тери қоплагичлари, ўқ скелетини, бош суягини, қон айланиши, нафас олиш, айирув системаларини ва қон айланиш органларини ўзига хос хусусиятлари. Ҳайвонни ёриш, хўл экспонатлар, плакатлар ва схемалари.

27. **Тоғайли балиқлар синфи.** Акула ва скатларнинг ташқи тузилиши, тиканли акуланинг ташқи ва ички тузилиши: тери қоплагичлари, скелети, жабра аппарати Қон айланиш аъзолари, жинсий айирув системаси, марказий нерв системаси ва бошқалар. Акула, скатларининг хўл препаратлари, экспонатлари, тотал препаратлар, аъзолари тузилиши.

28. **Суяқдор балиқлар синфи.** Суяқдор балиқларни ташқи тузилишининг хилма-хиллиги. Тангачалари ва бош суягининг тузилиши. Карпсимон балиқларнинг бирор турини ёриш. Мушак системалари, таянч ҳаракат аппаратлари топографияси, нафас олиш, овқат ҳазм қилиш. Қон айланиш органларининг тузилиши. Скелет экспонатлар асосий аъзоларининг тузилиш схемаси.

29. **Амфибиялар синфи.** Музей экспонатлари ва коллекциялар асосида амфибияларнинг турли туманлиги. Бақани анатомияси. Тери қобиқлари, мушак, қон айланиш, айирув системалари, нафас олиш ва овқат ҳазм қилиш аъзоларини тузилиши. Думсиз амфибияларнинг скелет экспонатларини ўрганиш, асосий аъзоларининг тузилиши схемалари.

30. **Рептилиялар синфи.** Музей ва коллекция экспонатлари асосида судралиб юрувчиларини турли туманлиги ва ҳаётий формалари. Калтакесак ёки илонни анатомияси. Ташқи тангасимон қоплагичлари ички органларини топографияси, нафас органларини

тузилиши, қон айланиш, айрув системалари. Скелетни ҳаракат-таянч аппаратларини остиологик экспонатлари. Ҳайвоннинг ташқи ва ички тузилиши схемасини чизиш.

**31. Қушлар синфи.** Орнитологик коллекция ва музей материаллари асосида қушларни турли туманлиги. Каптарни ички тузилиши. Пат қоплағичлари. нафас олиш, овқат ҳазм қилиш, қон айланиш органларини топографиясини, жинсий айрув системаси, бош миясини тузилиши. Скелетни ҳаракат-таянч системаларини остеологик экспонатлар асосида ўрганиш. Қушларнинг тузилиши схемаларини чизиш ва шуларга таъриф ёзиш.

**32. Сутэмизувчилар синфи.** Ўқув коллекцияси ва музей материаллари асосида сутэмизувчиларини турли туманлиги - экспкурсия. Лаборатория каламуши. Ички органлари топографияси: кўқрак қафаси ва қорин бўшлиғи, қон айланиш, овқат ҳазм қилиш системаси. Айрув системалари. Бош мия ва сезги органлирининг тузилиши. Скелети ва ҳаракат-таянч системалари (остиологик материаллари асосида). Соч толасини ташқи кўриниши.

### **2.3. Мустақил ишни таҳлил этишнинг шакли ва мазмуни.**

Мустақил ишлаш учун ҳайвонот олами ҳақидаги маълумотлар баён этилган қўшимча адабиётлар тавсия этилади. Мустақил ишлаш учун бериладиган ишлар факультатив ва индивидуал характерда бўлиб, талабанинг турли ҳайвон организмларда борадиган жараёнларни янада чуқурроқ ўрганишга қаратилган. Тавсиялар индивидуал талабга асосланади ва жорий, оралиқ назорат шаклида еки дарслардан ташқари вактда реферат еки мулоқот тарзида топширилади.

1. Книдоспоридийлар ва Микроспоридийлар. Умумий тавсифи, классификацияси ва асосий вакиллари.
2. Тароқлилар типи. Уларнинг тузилишидаги хусусиятлари ва асосий вакиллари.
3. Немертиналар типи, вакилларининг тавсифи, кўпайиши ва тарқалиши.
4. Тиканбошлиларлар типи. Характерли хусусиятлари. Паталогик аҳамияти.
5. Трилобитасимонлар кенжা типи вакиллари ва уларнинг филогенетик аҳамияти.
6. Онихофоралар типи, умумий тавсифи, экологияси, географик тарқалиши.
7. Пайпаслагичилар типи. Умумий тавсифи. Мшанкалар, Елкаоёқлилар, Форонидалар.
8. Погонофоралар типи ва хайвонот дунёсидаги ўрни.
9. Қилжағлилар типи. Умумий тавсифи ва экологик хусусиятлари.
10. Ҳаёт пайдо бўлиши ҳақидаги замонавий тасаввурлар.
11. Ҳайвонлар систематикасининг мақсади, услублари кисқача тарихи ва унинг ўрни.
12. Одамнинг пайдо бўлишига доир замонавий ғоялар ва уларнинг исботи.
13. Ҳайвон организми хужайра ва тўқималарининг тузилиши ва ривожланиш шартлари.
14. Эволюция жараёнини ҳаракатга келтирувчи омиллар ва механизmlар.
15. Умуртқалиларнинг келиб чиқиши ва эволюцион тараққиётiga доир палеонтологик тасаввурлар.
16. Умуртқалилар марказий нерв системасини тузилиши ва вазифаси.
17. Умуртқали ҳайвонлар сезги органлари, сенсор (қабул қилиш) механизmlари.
18. Умуртқали ҳайвонларнинг кўпайиш биологияси ва ривожланиши.
19. Биосфера ва хордали ҳайвонларнинг унда тутган ўрни.

### **2.4. Курс иши бўйича услубий қўрсатмалар**

Талабалар томонидан курс ишини бажарилиши профессионал тайёргарликни мухим босқичи хисобланади, чунки уларда мустақил ижодий ишлашни шаклланишига, илмий тадқиқот элементларини англашга, илмий адабиётларни ўқиш ва таҳлил қилишга ёрдам беради.

Талаба курс иши тизимини бажариш жараённада ундан хам мураккаброқ бўлган вазифани – малакавий битирув ишини бажариш учун, назарияларни англаш, уларни умумлаштириш ва амалиётда кўллаб мустақил илмий-тадқиқот фаолиятни бошлашга тайёргарлик кўради. Курс ишини тайёрлаш талабада ахборотларни аналитик фикрлашни

ривожланишига, ва оқибат натижада тайёр мутахассис бўлиб етишишига олиб келиши керак.

Курс иши талабадан фаннинг турли соҳалари бўйича амалиётда олган билимларини мустахкамлашни, янада чукурлаштиришни ва умумлаштиришни талаб қилади. Хар бир танланган курс иши мавзуси илмийликни, замона-вийликни талаб қилади, чунки хар бир топшириқда янгилик элементлари бўлиши лозим. Курс ишини фойдасини энг муҳим омиллари унинг индивидуаллиги ва талабанинг қизиқиши ва қобилиятига қараб умумий талабларни пасайтиргаган холатда берилиши хисобланади.

### **2.5. Талабаларга таклиф этилган курс ишларининг мавзулари:**

1. Умуртқасиз хайвонарнинг хилма-хиллиги турли муҳит шароитида яшашга мослашуви натижаси.
2. Умуртқасиз хайвонлар дунёсининг филогенетик боғланиши.
3. Кўп хужайрали хайвонларнинг келиб чиқиш назариялари.
4. Умуртқасиз хайвонлар орган системаси эволюцияси.
5. Касаллик қўзгатувчи бир хужайралилар.
6. Ясси чувалчангларнинг ривожланиш цикли – паразитик ҳаёт маҳсули.
7. Бўғимоёқлиларнинг кенг тарқалиш сабаблари.
8. Умуртқасиз хайвонларда метамерия холатини моҳияти.
9. Бирламчи ва иккиласи оғизлилар – хайвонлар эволюциясининг 2 йўналиши.
10. Метаморфозни умуртқасиз хайвонлар учун аҳамияти.
11. Ўрта Осиё умурткалилар фаунасининг биологик хилма-хиллиги ва зоогеографиясининг узига хослиги.
12. Ўрта Осиё текислик сув хавзаси ва тоғ худудларида яшовчи умурткали хайвонларнинг тузилиши ва биологиясининг узига хослиги.
13. Тоғайли баликларнинг биологик узига хослиги ва тавсифи.
14. Суякли баликларга умумий тавсиф.
15. Сувда ва куруликда яшовчиларнинг узига хос хусусиятлари.
16. Судралиб юрувчиларга умумий тавсиф.
17. Кушлар синфини узига хослиги, синфга умумий тавсиф.
18. Сут эмизувчиларга умумий тавсиф.

### **3. Дастурнинг информацион - услугий таъминоти**

Дарсни ўтишда мавзуларнинг мураккаб ва оддийлигига қараб таълимнинг замонавий (хусусан интерфаол) усуллари, педагогик ва ахборот – коммуникация (медиатоълим, амалий дастур пакетлари, презентация, электрон-дидактик) технологиялар қўлланилади. Информацион таъминот вазифасини дарслик, ўқув қўлланма ва бошқа адабиетлар, диссертациялар, электрон адабиетлар, интернет маълумотлари бажаради.

### **Тавсия этилган адабиётлар рўйхати**

#### **Асосий адабиётлар**

1. Шарова И.Х. . Зоология беспозвоночных. Москва, Владос, 2002.
2. Мавлянов О.М., Хуррамов Ш.Х. Умуртқасизлар зоологияси. Тошкент, Мехнат, 1998.
3. Мавлянов О.М., Хуррамов Ш.Х. Норбоев З.Н. Умуртқасизлар зоологияси. Тошкент, Ўзбекистон, 2002.
4. Мўминов Б.А., Эшова Х.С., Рахимов М.Ш. Умуртқасиз хайвонлар зоологиясидан амалий машғулотлар. Тошкент, PATENT PRESS, 2005.
5. Мавлянов О.М., Хуррамов Ш.Х., Эшова Х.С. Умуртқасизлар зоологияси. Тошкент, OFSET PRINT, 2006.

6. Хакимов Н.Х., Абдуллаев Э.Н., Халимов Ф.З., Хамирова А.Б. Умуртқасизлар зоологиясидан амалий машғулотлар. Ўқув қўлланма. Самарқанд, Зарафшон нашриёти. 2013, -203 б.
7. Дадаев С. Умуртқалилар зоологиясидан лаборатория машғулотлари. “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти”. Тошкент 2009.
8. Шерназаров Э.Ш., Вашетко Э.В., Крейцберг Е.А. Ўзбекистон умуртқали ҳайвонлари: лотин, рус, ўзбек тилидаги номлари. Фан, 2006.
9. Константинов В.М. Зоология позвоночных. Высшая школа. 2000.
10. Лаханов М.Л. Ўзбекистоннинг умуртқали ҳайвонлари аниқлагиши.
11. Кашкаров Д.Ю., Аюпов А.Н. Умуртқали ҳайвонлар экологияси. Тошкент 2005.

### **Қўшимча адабиётлар**

1. Абдурахмонова Г.Н. и др. Основы зоологии и зоогеографии. Москва, Академия, 2001.
2. Потапов И.В. Зоология с основами экологии животных. Москва, Академия, 2001.
3. Лопатин И.К. Функциональная зоология. Минск. Высшая школа. 2002.
4. Абдурахмонова Г.А. Тупроқ зоологиясидан амалий машғулотлар. Тошкент 2009 йил.
5. Рахимов М.Ш. Тиббий ва ветеринар энтомология. Тошкент 2008 йил.
6. Дадаев С.Д. Паразитология. Тошкент. Ўзбекистон 2006.
7. Қулмаматов А. Умуртқасизлар зоологиясидан ўқув-дала амалиёти. Тошкент, Ўқитувчи, 2004.
8. Лаханов Ж.Л., Жабборов А.Ж. Умуртқалилар зоологиясидан лаборатория машғулотлари. Самарқанд, СамДУ нашри, 2003.

### **Интернет маълумотлари**

1. [www.ncbi.nlm.nih.gov/pubmed](http://www.ncbi.nlm.nih.gov/pubmed)
2. <http://www.ecolog.com>.
3. <http://www.nature.uz>.
4. <http://www.animal-uz.ru>.

## **II бўлим. Ботаника МАЪРУЗА**

### **Biologiya asoslari fani. Kirish**

Biologiya asoslari fani biologiya fanlari tizimidagi eng asosiy fanlardan biri. Hozirgi zamон botanika fani bir qancha mustaqil fanlarga bo’linadi. Ekologiya ta’lim yo’nalishi uchun o’tiladigan umumiy botanika kursi asosiy bo’limdan iborat: o’simliklar morfologiyasi va anatomiysi; mikologiya va algobiya; yuksak o’simliklar.

### **Hujayra va uning tuzilishi**

O’simlik hujayrasining tuzilishi. Ularning shakkllari va o’lchamlari. Parenxima va prozenxima hujayralari. Hujayra qobig’i. Sitoplazmatik membrana (plazmolemma). Sitoplazma (protoplazma). Protoplast. Organoidlar. Hujayraning bo’linishi: amitoz, mitoz va meyoz.

### **O’simlik to’qimalari**

To’qimalarni tavsiflash asoslari. To’qimaning ta’rifi, ahamiyati va o’simlik tanasida joylanishi. Hosil qiluvchi to’qimalar (meristema) va uning o’simlik hayoti uchun ahamiyati. Uchki, yon va oraliq meristemalar. Meristema hosil qiluvchi hujayraning o’sishi va tafovutlanishi. Doimiy to’qimalar, ularning xilma-xilligi, oddiy va murakkab, birlamchi va ikkilamchi to’qimalar. To’qimalarning vazifalari. Qoplovchi, mexanik, o’tkazuvchi, g’amlovchi, o’zlashtiruvchi, singdiruvchi va ajratuvchi to’qimalarning tuzilish xususiyatlari.

### **Novdaning morfologik va anatomik tuzilishi**

Novda. Uning morfologisi. Novdaning o’sish nuqtasi boshlang’ich barglar va yon kurtaklarning joylanishi. Novdaning rivojlanishi va o’sishi. Novdaning morfologiyasi. Bo’g’imlar, bo’g’im oraliqlari: qisqa va uzun novdalar. Ustki, yon va qo’shimcha kurtaklar,

ularning mohiyati va joylanish xossalari, kurtakning tuzilishi. Novdaning shakl o'zgarishi: tugunaklar, poyalar, tugunak piyozi, piyozbosh, jingalaklar tikonlar, kladofiyalar, fillokadiyalar. Ularning xo'jalikdagi ahamiyati. Poya anatomik tarkibining rivojlanishi. Epidermis, prokambiy, uning tuzilishi. O'tkazuvchi bog'lamlarning rivojlanishi. Bir pallali o'simliklarda prokambiyning joylanish asosları. Daraxt (ko'p yillik) poyalarning anatomik tuzilishi.

### **Bargning morfologik va anatomik tuzilishi**

Barg qismlari: asosi, bandi, yon barglari, yaprog'i, qini. Barg yaprog'inining morfologik tuzilishi. Oddiy va murakkab, butun va bo'laklangan barglar. Barglarning joylanishi va ahamiyati. Barglarning novda bo'yicha joylanish xillari. Ko'p shakllilik (geterofiliya). Barg mozaykasi. Shakli o'zgargan barglar. Boshlang'ich barglarning rivojlanishi va joylanishi. Barglarning ustki va bo'g'im osti o'sishi. Bargning tarkibiy qismlari va ularning ahamiyati. Bargning ichki tuzilishi: epidermis, tuklanish, assimilyatsion to'qima, uning tuzilishi.

### **Ildizning morfologik va anatomik tuzilishi**

Ildiz meristemasi, o'sish va shimish zonalari, to'qimalarning tafovutlanishi. Birlamchi po'stloq va silindrning differensiyalanishi. Epiblemaning rivojlanishi. Prokambiyning rivojlanishi, birlamchi floema va ksilemaning joylanishi va farqlanish xususiyatlari. Ikki pallali o'simliklarda kambiyuning joylanishi va ikkilamchi o'tkazuvchi to'qimalarning hosil bo'lishi. Daraxt o'simliklarning (ko'p yillik) ildizlari, poya va ildizlarning anatomik tuzilishlaridagi o'xshashlik va farqlar. Ildizning asosiy vazifalari. O'q va yon ildizlarining rivolanishi. Qo'shimcha ildizlarning hosil bo'lishi. Ildiz sistemasining xillari. Tayanch, tirgak, havo ildizlar.

### **Gul va to'pgullar. Urug'lanish**

Gul va uning ta'rifi. Gulning tuzilishi, androsey va ginesey. Gulning umumiyligi va har bir tarkibiy qismlarining funksiyalari. Gul qismlarining joylashuvi. Gul simmetriyasi tiplari. Gul formulasi va diagrammasi. Kosabarg va tojibargning shakli, funksiyasi va kelib chiqishi. Gulning rivojlanishi bo'yicha ilmiy qarashlar. To'pgul. To'pgullarning muhim morfologik belgilari: ochiq va yopiq, oddiy va murakkab to'pgullar haqida tushuncha. To'pgullarning biologik ahamiyati.

### **Urug' va mevalarning hosil bo'lishi**

Bir urug'pallali va ikki urug'pallali o'simliklar urug'inining tuzilishi. Ularning murtak tuzilishidagi farqlari. Urug'ning zahira moddalari. Urug'ning morfologik xillari. Urug'ning xo'jalik ahamiyati. Tinim holatidagi urug'. Urug'ning unishi. Meva. Uning ta'rifi. Mevaning hosil bo'lishi. Ho'l va quruq mevalar. Bir urug'li va ko'p urug'li mevalar. Chatnaydigan va chatnamaydigan mevalar. Mevalarning chatnash usullari. Apokarp mevalar. Sinkarp mevalar. Parakarp mevalar. Lizikarp mevalar. To'pmevalar. Geterokarpiya va geterospermiya. Meva va urug'larning tarqalishi. Urug' va mevalarning inson hayotida tutgan o'rni.

### **Suvo'tlar bo'limlari to'g'risida tushuncha**

Tuban o'simliklar to'g'risida umumiyligi tushuncha. Suvo'tlar to'g'risida umumiyligi ma'lumotlar. Suvo'tlarning bo'limlari. Suvo'tlarning kelib chiqishi va evolyusion aloqalari. Tallomining morfologik jihatidan xilma - xilligi. Hujayrasining tuzilishi, ko'payishi. Ko'k-yashil suvo'tlar hujayra tuzilishi, ko'payishi ajdodlarga bo'linishi tarqalishi.

Yashil suvo'tlari bo'limining umumiyligi xususiyatlari (hujayra tuzilishi ko'payishi tarqalishi) ajdodlarga bo'linishi. I ajdod teng xivchinsimonlar qabilalarga bo'linishi, vakillari, hujayra tuzilishi ko'payish va tarqalishi. Matashuvchisimonlar ajdodining hujayra tuzilishi, qabilalarga (mezatinamolar, dismidiumnamolar, zignemanamolar) ga bo'linishi, vakillari, hujayra tuzilishi, ko'payish xususiyatlari va tarqalishi. Hujayrani o'rganishda spirogorinaning ahamiyati. Xarasimonlar ajdodi vakillari, hujayra tuzilishi, ko'payishi tarqalishi.

Diatom suvo'tlarining hujayraviy tuzilishi, pigmentlari xillari, fotosintez mahsuloti, harakati ko'payishi. Jinsiy ko'payishi xillari. Ajdodlarga bo'linishi. Muhim vakillari, tarqalishi. Inson hayoti va tabiatda diatom suvo'tlarini ahamiyati. Diatom suvo'tlarini kelib chiqishi.

Qo'ng'ir suvo'tlarning tallom tuzilishi, xromotofor (tillakoid) larning shakl va xillari, fotosintez mahsuloti, ko'payish xillari, ajdodlarga bo'linishi: Izogeneratsimonlar geterogeneratsimonlar va siklosporasimonlar qabilalarga bo'linishi, muhim vakillari. Yadro fazalarning gallanishi. Tarqalishi, ahamiyati, filogenezi.

### **Zamburug'lar bo'limi. Zamburug' ajdodlari**

Zamburug'lar olamiga umumiyligi tushuncha: oziqlanishi, tuzilishi, ko'payishi ahamiyati ajdodlarga bo'linishi. Xaltachasimon zamburug'lar ajdodi xususiyatlariiga umumiyligi tushuncha. Jinsiy ko'payishi. Meva tana xillari va ularni evolyutsiyasi. Ajdodlarga bo'linishi.

Yalang'och xaltachalilar, endomisentnomalar, xamirturushnomalar. Haqiqiy xaltachalarni qabilalarga bo'linishi (plektomisetnomalar, evrisinomalar, pironomiset kabilalar) ning muhim vakillari. Askostromalarni taraqqiy etish xillari: elsin, venturiya, mikrosferella. Geteromisetlilarga umumiyligi tushuncha. Teliobazitomisetlilar sinfchasingning eng muhim qabilalari (qorakuayanomalar, zangnomalar) ning taraqqiy etish xususiyatlari ularga qarshi kurash tadbirlari.

## **2.2. Амалий машғулотлар мазмуни, ташкил этиш бўйича кўрсаткич ва тавсиялар.**

### **Biologiya asoslari fani bo'yicha amaliy mashg'ulotlarning taxminiy mavzulari**

1. Hujayraning tuzilishi.
2. Hosil qiluvchi va qoplovchi to'qimalar.
3. Mexanik, o`tkazuvchi, ajratuvchi va g`amlovchi to'qimalar.
4. Novda va uning morfologiyasi.
5. Poyaning birlamchi va ikkilamchi ichki tuzilishi.
6. Barg yaprog'ining morfologik tuzilishi: oddiy, murakkab, butun va bo'laklangan barglar.
7. Barg va uning ichki tuzilishi.
8. Ildizning tuzilishi va uning tiplari
9. Ildizning birlamchi va ikkilamchi anatomik tuzilishi.
10. Gulning tuzilishi.
11. Botrik to'pgullar.
12. Simoz to`pgullar.
13. Mevaning tuzilishi va uning klassifikatsiyasi.
14. Urug` va uning tuzilishi.
15. Ko'k—yashil suvo'tlar bo'limi. Ossillatoriya va nostokning tuzilishi va ko`payishi.
16. Yashil suvo'tlar bo'limi. Xlamidomonada va volvoks; xlorella va suvturchasining tuzilishi va ko`payishi.
17. Ulotriksning tuzilishi va ko`payishi.
18. Spirogira, mujotsiya va zignemaning tuzilishi va ko`payishi.
19. Xara va vosheriyaning tuzilishi va ko`payishi.
20. Qo'ng'ir suvo'tlar bo'limi. Diktiota va laminariyaning tuzilishi va ko`payishi.
21. Zamburug'lar bo'limi. Fitoftora va mog'orning tuzilishi va ko`payishi.
22. Achitqi va tafrinaning tuzilishi va ko`payishi.
23. Aspergill va penitsillning tuzilishi va ko`payishi.
24. Shoxkuya zamburug`ining tuzilishi va taraqqiyoti.
25. G'alla chang va tosh qorakuyalarining taraqqiyot davrlari.
26. Chiziqli zang zamburug`ining taraqqiyot davri.

**Izoh:** Ushbu kurs bo'yicha kamida 23 ta amaliy ishlar bajarilishi lozim.

## **Tavsiya etilayotgan mustaqil ishlarning mavzulari ro'yxati:**

1. O'simlik to'qimalari: aerenxima. Tuzilishi va funksiyalari.
2. Vegetativ organlar: havo ildizlari. Tashqi va ichki tuzilishi, ahamiyati.
3. Barg. Bargning tuzilishi va vazifasi
4. Gul, to'pgullar, urug' va mevalar.
5. Gulning kelib chiqishi (evolyusiyasi) bo'yicha nazariyalar.
6. To'pgullar va ularning klassifikatsiyasi
7. Suvo'tlarning ekologik tiplari va ahamiyati.
8. Xazonrezgilik va uning o'simliklar uchun ahamiyati. Shikli o'zgargan barglar (barg metamorfozi).
- 9 Urug'ching tuzilishi. Megasporogenez, urg'ochi gametofitning rivojlanishi. Murtak xaltasi.
10. Yashil suvo`tlar. Yashil suvo`tlarni tabiiy sharoitda kuzatish va aniqlash.

## **Талабаларга таклиф этилган курс ишларининг мавзулари:**

1. Уруғ ва ўсимтанинг тузилиши
2. Новданинг морфологияси
3. Барг бошланғичининг шаклланиши ва тараққиёти
4. Илдиз, унинг асосий вазифалари
5. Вегетатив органлар метаморфози ва унинг биологик аҳамияти
6. Органик дунё системасида ўсимликларнинг жойлашуви
7. Жинсиз кўпайиш (споралар ёрдамида)
8. Ўсимликларнинг жинсий кўпайиши
9. Андроцей
10. Гинецей
11. Уруғуртакнинг тузилиши ва жойланиши
12. Гуллаш ва чангланиш
13. Уруғланиш
14. Вояга етган қўп йиллик ўсимликлар новдасининг шаклланиши ва унинг қонуниятлари
15. Баргнинг анатомик тузилиши
16. Илдиз
17. Поянинг ички тузилиши
18. Асосий тўқималар
19. Ўсимликлар тузилишидаги умумий қонуниятлар
20. Ўсимликларнинг чангланиши
21. Қўнғир сувўттоифалар (Phaeophyta) бўлими
22. Эвглена сувўттоифалар (Euglenophyta) бўлими
23. Қизил сувўттоифалар (Rhodophyta) бўлими
24. Шилимшиқтоифалар (Myxomycota) бўлими
25. Замбуруғтоифалар (Mycota) бўлими
26. Лишайниктоифалар (Lichenophyta) бўлими
27. Хлорококсисмонлар (Chlorococcophyceae) аждоди
28. Гормогонсимонлар (Gormogonophyceae) аждоди
29. Чин яшил сувўтсимонлар ёки тенг хивчинилар (Chlorophyceae ёки Isocontae) аждоди
30. Коньюгатсимонлар ёки Маташувчисимонлар (Conjugatophyceae) аждоди
31. Харасимонлар (Charaphyceae) аждоди
32. Олтин тусли сувўттоифалар (Chrysophyta) бўлими
33. Патсимонлар (Pennatophyceae) аждоди

34. Центриксимонлар (Centrophyceae) аждоди
35. Изогенератсимонлар (Isogeneratophyceae) аждоди
36. Гетерогенератсимонлар (Geterogeneratophyceae) аждоди
37. Циклоспорасимонлар (Cyclosporaphyceae) аждоди
38. Флоридиясимонлар (Florideophyceae) аждоди
39. Сувўтларнинг умумий хусусиятлари

### **Foydalanilgan darslik va o'quv qo'llanmalar ro'yxati:**

#### **Asosiy**

1. Мустафаев С.М. Ботаника. Тошкент. «Ўзбекистон ». 2002. - 472 б.
2. Mustafaev S.M., Ahmedov O'. A. Botanika. Toshkent. "O'zbekiston". 2006.
3. Икромов М.И., Нормуродов Х.Н., Юлдашев А.С. Ботаника. Тошкент, «Ўзбекистон». 2002. - 322 б.
4. Икромов М.И., Нормуродов Х.Н., Юлдашев А.С. – «Тубан ўсимликлар систематикаси» Тошкент. Ўқитувчи. 1995 й. 391 бет.
5. Суворов В.В., Воронова И.Н. Ботаника с основами геоботаники. М.: «Просвещение», 1979. - 560 с.
6. Pratov O', Shamsuvaliyeva L., Sulaymonov E. va bosh. Botanika (morfologiya, anatomiya, sistematika, geobotanika). – Toshkent: “Ta’lim nashriyoti”, 2010. – 288 b.

#### **Кўшимча**

7. Жуковский П.М. Ботаника. М., «Колос». 1982.
8. Еленевский А.Г., Соловьева М.П., Тихомиров В.Н. Систематика высших или наземных растений. Издательский центр «Академия», Москва, 2000. – 429 с.
9. Еленевский А.Г., Соловьева М.П., Тихомиров В.Н. Ботаника. М.: «Академия», 2001. – 432 с.
10. Яковлев Г.П., Челомбытко В.А. Ботаника. СПб.: СПХФА. 2001. – 680 с.
11. Великанов Л.И. ва бошқалар. Тубан ўсимликлар. Тошкент 1995. -375 с.
12. Бавтуто Г.А., Еремин В.М., Жигар М.П. Атлас по анатомии растений. Минск. «Урожай». 2001. - 245 с.
13. Лотова Л.И. Морфология и анатомия растений. М.: «Эдитория УРСС». 2001. – 528 с.

Web saytlar:

[www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz);  
[www.naukaran.ru](http://www.naukaran.ru);  
[www.maik.ru](http://www.maik.ru);  
[www.rusplant.ru](http://www.rusplant.ru);  
[www.floranimal.ru](http://www.floranimal.ru).